

# ШАРТНОМА №-160569/1

(ЛОТ-22110012160569)

"18" октябрь 2022 йил.

Чироқчи тумани

Буюртмачи бўлган кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб аталувчи "Чироқчи туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси" номидан Ж.Авлаёров Низом асосида иш юритувчи бир тарафдан ва кейинги ўринларда "Ижрочи" деб «QARSHI INVEST TEXNO» МЧЖ аталувчи номидан A.Пайзиев асосида иш юритувчи иккинчи тарафдан, биргаликда «Тарафлар» деб аталувчилар Давлат харидлари электрон тизимида танлов ўtkазилган электрон давлат хариди натижаси бўйича куйидагича шартнома туздилар.

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

№	Товар номи	Ўлчов бирлиги	Товар сони	Бирлик учун бошлангич нарх	Бирлиги учун келишилган нарх	Позиция учун келишилган сумма
1	Битум БНД 60/90	Тонна	80.14	6 000 000	5 800 000	464 812 000
	<b>Жами</b>					<b>464 812 000</b>

Шартноманинг умумий суммаси: 464 812 000,0 (Турт юз олтмиш турт миллион саккиз юз ун икки минг) СУМ

## 2. ТЎЛОВ ТАРТИБИ, ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ ВА ШАРТЛАРИ

- 2.1. Шартнома амалга ошганидан сунг Буюртмачи "Ижрочи"нинг хисоб ракамига шартноманинг умумий суммасидан 30% олдиндан (аванс) толовини амалга оширади. Шартнома суммасидан колган 70% толовни 2022-йил 31-декабрьгача булиб тулаб беради.
- 2.2. Ижрочининг хисоб ракамига 30% тўлов амалга оширилганидан сунг 2 иш куни ичидаги товарни етказиб бериши шарт.
- 2.3. Буюртмачи товарнинг сони тўлиқлигини, бутлигини, сифатини ва эълонда ёки оғёртада кўрсатилган бошқа талабларга мувофиқлигини Ижрочининг иштирокида текшириб қабул қилиб олиши шарт.
- 2.4. Барча транспорт харажатлари Ижрочи томонидан қопланади (агар мазкур шартномада бошқа шартлар белгиланмаган бўлса).
- 2.5. Ижрочи томонидан товарни етказиб берилганлиги ва Буюртмачи томонидан текшириб олинганлиги Ижрочи расмийлаштирган ҳисобварак-фактурани Тарафлар томонидан имзоланиши билан тасдиқланади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Буюртмачи куйидаги ҳуқукларга эга:
  - Ижроидан мазкур шартноманинг 1 бандига мувофиқ бўлган миқдордаги ва сифатдаги товарни етказиб беришни талаб қилиш;
  - Ижрочи талаб даражасидаги сифатга эга бўлмаган товар етказиб берганда Ижроидан куйидагиларни талаб қилишга ҳакли:
    - талаб даражасидаги сифатли товарга алиштириб беришни;
    - етказиб берилган товардаги камчиликларни Ижрочи ҳисобидан бартараф этилишини;
    - мазкур шартнома шартларини бажармаганлик ёки белгилангандан даражада бажармаганлик.
- 3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари куйидагилардан иборат:
  - Битим суммасининг 100% миқоридаги тўловни мазкур шартномада кўрсатилган муддатда «Ижрочининг» ҳисобрақамига ўтказиши лозим;
  - товарни етказиш ва қабул қилиб олиш саналарини Ижрочи билан келишиб олиш;
- 3.3. Ижрочи куйидаги ҳуқуқларга эга:
  - Буюртмачи билан келишган ҳолда товарни муддатидан олдин етказиб бериш;

• Буюртмачининг ўзи томонидан берилган талабномага мос бўлган товарни қабул қилиб олишни рад этиши натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

3.4. Ижроининг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

• товарни етказиб бериш санаси ва вактини «Буюртмачи» билан келишиб олиш;

• товарни етказиб бериш жараёнида аниқланган камчиликларни Буюртмачининг талабига қўра етказиб беришнинг белгиланган муддатигача бартараф этиш.

3.5. Шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва мазкур шартнома талабларига мувофик ижро этилиши лозим.

3.6. Тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарилишини таъминлаганларида Шартнома бажарилган деб хисобланади.

#### **4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

4.1. Буюртмачи ва Ижрочи мазкур Шартнома шартларини бажармаганлик ва бузганлик учун қонунчилиқда белгиланган тартибида жавобгарликка тортиладилар.

4.2. Тарафлар қонунчилиқда белгиланган форс-мажор ҳолатлари мавжудлиги натижасида шартномада белгиланган мажбуриятларини бажариш иложсизлигидан тўлиқ ёки қисман бажара олмаганларида жавобгарликка тортилмайдилар.

4.3. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, ижрочи буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пена тўлайди, бироқ бунда пеняning умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунчилиқда ёки шартномада белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, ижроидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибида қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима ижроидан акцептсиз тартибида ундириб олинади.

#### **5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

5.1. Тарафлар юзага келган баҳс ва мунозараларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Тарафлар юзага келган мунозараларни ҳал этиш учун даъвогарнинг жойлашган ҳудуди бўйича судга мурожаат килишлари мумкин.

5.3. Тарафлар ўртасидаги мазкур шартномада кўзда тутилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан тартибга солинади.

#### **6. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ**

6.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиласидан ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнғин, тошқин, зилзила, бошқа табиий оғатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчилиқдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

6.2. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокараплар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

6.3. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиласидан бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг кутилаётган санасидан 10 (үн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш хукуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари

учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

## 7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

7.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилмасликка келишиб оладилар.

7.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

7.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равища пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдааги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассусот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентларва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

7.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуидааги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди.

7.5. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиласиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар қўрилмаган ёки қўриб чиқиши натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб турйшга, бекор қилишга ҳамда заарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома тарафлар томонидан тузилган заҳоти кучга киради ва 2022 йил “31”декабргача амал қилади.

8.2. Шартнома муддатининг тугаши тарафларни жавобгарлиқдан озод этмайди.

## 9. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

### БУЮРТМАЧИ

#### Чироқчи ТЙФУК

Чироқчи тумани. Янгиқурилиш кўчаси 77 ўй

Х/Р : 2262 6000 3003 8848 9006

Банк: ТИФ Миллий Банк Шахрисабз ш. ф-ли

МФО: 00191 ИНН: 200 703 804

ОКЭД: 42 110

Телефон: +998(55)401-09-13

Директор:

Ж. Авлаёров

(имзо)



### ИЖРОЧИ

#### «QARSHI INVEST TEXNO» МЧЖ

Карши ш. Бешкенарик кучча 21-уй

Х/Р: 2020 8000 7007 8808 6002

Банк: Узсаноатқурилишбанк АТБ

МФО: 00440 ИНН : 304 984 394

ОКЭД: 46730

Телефон: (91) 222-88-18

Директор :

А.Пайзиеев

